***Хулоса****. Тошкент шаҳрининг иккита тумани мисолида ўпка туберкулёзини даволашнинг биринчи куниданоқ амбулатор даволаш модели самарадорлигини таҳлил қилинди. 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Шайхонтоҳур туманлари мисолида ўпка сили билан оғриган беморларда кимётерапиянинг биринчи кунидан бошлаб амбулатор даволашни ташкил этиш модели келтирилган. 2015-2020 йиллар давомида Тошкент шаҳрининг икки туманида кимё терапиясининг биринчи кунидан бошлаб 200 нафар бемор амбулатор даволанишга қабул қилинган. Амбулатор даволаш самарадорлиги стационар даволаш самарадорлиги бўйича қолишмайди ва у даволаш сифатини йўқотмаган ҳолда тиббий ходимларнинг ҳар бир беморга сарфлаган вақтини қисқартириш имконини беради.*

***Калит сўзлар:*** *ўпка сили, назорат қилинувчи кимё терапияси, амбулатор даволаниш.*

**Парпиева Наргиза Нусратовна** – д.м.н., профессор
**Джурабаева Мухаббат Хусановна** – к.м.н., старший преподаватель
**Анварова Екатерина Владимировна** – научный сотрудник, ассистент
**Бабаматова Ҳилола Умирсаидовна** – научный сотрудник, ассистент
**Хакимов Абдулатиф Абдувалиевич** – научный сотрудник, ассистент
*Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии, Ташкентская медицинская академия*

## МОДЕЛЬ АМБУЛАТОРНОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ТУБЕРКУЛЕЗОМ В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ. ОПТИМИСТИЧНЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ СТАЦИОНАРНОГО ЗАМЕЩЕНИЯ В МЕГАПОЛИСЕ

***Аннотация:*** *целью исследования явилось провести анализ эффективности модели амбулаторного лечения туберкулеза легких с первого дня начала лечения на примере двух районов города Ташкента. Представлена модель организации амбулаторного лечения с первого дня химиотерапии у пациентов с туберкулезом легких на примере Алмазарского и Шайхонтахурского районов города Ташкента в период с 2015 по 2020 годы. За период с 2015 по 2020 годы в двух районах города Ташкента на амбулаторное лечение с первого дня начала химиотерапии взято 200 пациентов. Эффективность амбулаторного лечения не уступает по показателям эффективности стационарного лечения, позволяет сократить время, уделяемое медицинским персоналом на одного пациента без потери качества лечения.*

***Ключевые слова****: туберкулез легких, контролируемая химиотерапия, амбулаторное лечение.*

**Parpieva Nargiza Nusratovna** – D.M.Sc., professor
**Jurabaeva Muhabbat Khusanovna** – C.M.Sc., senior lecturer
**Anvarova Ekaterina Vladimirovna** – researcher, assistant
**Babamatova Khilola Umirsaidovna** – research, assistant
**Khakimov Abdulatif Abduvalievich** – researcher, assistant
*Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Phthisiology and Pulmonology*
*Tashkent Medical Academy*

## MODEL OF OUTPATIENT TREATMENT FOR TUBERCULOSIS PATIENTS IN THE CITY OF TASHKENT. AN OPTIMISTIC VIEW ON THE PROBLEM OF INPATIENT REPLACEMENT IN A MEGA CITY

***Abstract****: Analyze the effectiveness of the outpatient treatment model for pulmonary tuberculosis from the first day of treatment using the example of two districts of the city of Tashkent. A model for organizing outpatient treatment from the first day of chemotherapy in patients with pulmonary tuberculosis is presented using the example of the Almazar and Shaykhontakhur districts of the city of Tashkent in the period from 2015 to 2020. During the period from 2015 to 2020, in two districts of the city of Tashkent, 200 patients were taken for outpatient treatment from the first day of chemotherapy. The effectiveness of outpatient treatment is not inferior in terms of the effectiveness of inpatient treatment, and it allows reducing the time spent by medical personnel per patient without losing the quality of treatment.*

***Key words:*** *pulmonary tuberculosis, controlled chemotherapy, outpatient treatment.*

Бугунги кунда сил тиббиёт соҳаси доирасидан чиқиб бўлган, кўп компонентли муаммодир. Силга қарши глобал курашиш борасида эришилган салмоқли натижаларга қарамай, ҳеч бир мамлакат мақсадли кўрсаткичларга эриша олмади. Натижада, силга қарши курашишда соғлиқни сақлашнинг барча бўғинларини, жамоат ва диний ташкилотларни, барча ОАВ секторларини бирлаштирувчи стратегияни қайта кўриб чиқиш юзасидан ўткир зарурат туғилди [6,9]. Шу тариқа, СК ни даволашда беморларга қаратилган даволаш ёндашуви шаклланиб, бу 2014 йилда ЖССТ 67-сессиясида қабул қилинган «End TB» («СКни йўқ қилиш») стратегиясининг асосий унсурларидан бири бўлди. Даволаш жараёнида беморга қаратилган ёндашув даволаш муассасаларидан ташқарида, ишдан ва оиладан узилмаган ҳолда даволаниш имкониятини беради. Даволаш моделлари амбулатор даволанишдан тенг ҳуқуқли фойдаланиш ва беморларни ҳамжамиятда қўллаб-қувватлаш, СКга чалинган инсонларга нисбатан стигматизация (тамға қўйиш) даражасини пасайтириш имконини беради. [4,7].


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.03.2011 йилдаги 62-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигига қарши курашиш дастурида, СК ҳақида маълумот бериш, унинг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш мақсадида, дастур амал қилиши давридаги келгуси мақсадли кўрсаткичлар, стратегик чоралари ва тадбирлар белгиланди [5,10,11].

Охирги ўн йилликлар давомида Ўзбекистон Республикасининг силга қарши курашиш Миллий дастури сил касаллиги бўйича мамлакатда эпидемиологик вазиятни, касалланиш кўрсаткичини 2015 йилдаги 46,8 дан 2020 йилда 32,1 гача, ўлим ҳолатларини 2015 йилдаги 3,1 дан 2020 йилдаги 1,2 гача пасайтириш орқали, яхшилаш бўйича имкониятларини намойиш қилди.

**Тадқиқот мақсади:** Тошкент шаҳрининг икки тумани мисолида сил касаллигини даволаш бошланишининг илк кунларидан амбулатор даволаш моделининг самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Материал ва услублар:** Тошкент шаҳрининг икки туманида 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазият баҳоланди. Эпидемиологик кўрсаткичлар вариацион статистика усулларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинди. Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Шайхонтоҳур туманлари мисолида, ўпка силига чалинган беморларни, кимё терапиясининг биринчи куниданоқ, амбулатор даволашни ташкил қилиш модели тақдим этилди. Силга қарши чора-тадбирларни 3-сонли туман фтизиатрия диспансери амалга оширди.


**Натижалар ва муҳокама**: Бу даврда Тошкент шаҳрида сил касаллигига чалинган беморларни назорат остида даволашни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар жорий этилди. “Хавф остидаги” қатламлар билан иш фаоллашди. Бу чоралар 2015 йилда ҳар 100 минг аҳолига 49,8 касалланиш кўрсаткичидан 2020 йилда 35,2 кўрсаткичига олиб келди. Олмазор туманида 2015 йилда сил касаллигига чалиниш кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига 36,7 га тенг бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 22,7 гача тушди. Шайхонтоҳур туманидаги вазият ҳам ўхшаш – кўрсаткич 2015 йилда 29,9 дан 2020 йилда 21,6 гача тушди.




***1-расм.*** **2015 дан 2020 йилгача Тошкент шаҳрининг иккита туманида сил касаллигига чалиниш динамикаси.**

Ўзбекистонда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014-йил 24-октабрдаги "Ўзбекистон Республикасида силга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги 383-сонли буйруғига асосан, сил касаллигини шифохона ва амбулатория шароитида даволашни комплекс назорат қилиш амалга оширилмоқда. Ушбу буйруққа мувофиқ, кимё терапияси биринчи кундан бошлаб яшаш жойи бўйича поликлиникаларда ёки туман силга қарши диспансерларда сил микобактериясини ажратмайдиган ва атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган беморларга, шунингдек, бактерия ажратувчи, лекин госпитализациясиз даволанишга шароити бор беморларга ўтказилади.

2015-2020-йилларда Тошкент шаҳрининг икки туманида: Шайхонтоҳур ва Олмазорда 200 нафар бемор биринчи кунданоқ кимё терапияга амбулатор даволанишга қабул қилинди. Шайхонтоҳур туманида – 91, Олмазорда – 109 нафар бемор. Улардан 129 нафари (64,5%) эркаклар ва 71 нафари (35,5%) аёллар.




***2-расм.*** **2015-2020 йилларда даволанган беморларнинг гендер жиҳати бўйича таркиби**

2-расмда даволанган беморларнинг гендер мансублиги бўйича маълумотлар келтирилган. Гуруҳлар орасида гендер тафовут салмоқли эди. Шундай қилиб, 2015 йилда амбулатор даволанишдаги эркакларнинг сони аёллардан кўп бўлиб, мувофиқ равишда 52 (76,5%) ва 16 (23,5%) нафарни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, аёллар улуши муттасил ошиб борган ва 15 (51,7%) нафарга етган пайтда, эркакларнинг сони 14 (48,3%) нафарни ташкил қилган.


Ёш таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўпка сили аҳолининг энг меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол қисми орасида йўқотишларга олиб келади. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, сил билан касалланганлар орасида энг катта улушни 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган шахслар – 61 (30,5%), иккинчи ўринни 51 ёшдан 60 ёшгача – 43 (21,5%) ва учинчи ўринни 41 ёшдан 50 ёшгача бўлган шахслар – 32 (16%) эгаллаган.

***1-жадвал.***

**2015-2020 йилларда амбулатор даволанган беморларнинг ёш таркиби**


| йиллар | умумий | ёши | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 18-20 ёш | 21-30 ёш | 31-40 ёш | 41-50 ёш | 51-60 ёш | 61-70 ёш | 71-80 ёш |
| 2015 | 68 | 1 | 7 | 18 | 11 | 21 | 7 | 3 |
| | 100% | 1.5% | 10.3% | 26.5% | 16.2% | 30.8% | 10.3% | 4.4% |
| 2016 | 12 | 0 | 5 | 2 | 0 | 4 | 0 | 1 |
| | 100% | 0% | 41.7% | 16.7% | 0% | 33.3% | 0% | 8.3% |
| 2017 | 28 | 1 | 9 | 7 | 5 | 3 | 2 | 1 |
| | 100% | 3.5% | 32.1% | 25.1% | 17.9% | 10.7% | 7.1% | 3.6% |
| 2018 | 27 | 1 | 6 | 10 | 3 | 4 | 2 | 1 |
| | 100% | 3.7% | 22.2% | 37.1% | 11.1% | 14.8% | 7.4% | 3.7% |
| 2019 | 36 | 2 | 1 | 13 | 7 | 6 | 7 | 0 |
| | 100% | 5.5% | 2.8% | 36.1% | 19.4% | 16.7% | 19.5% | 0% |
| 2020 | 29 | 0 | 2 | 11 | 6 | 5 | 3 | 2 |
| | 100% | 0% | 6.9% | 37.9% | 20.8% | 17.2% | 10.3% | 6.9% |
| Жами | 200 | **5** | **30** | **61** | **32** | **43** | **21** | **8** |
| | 100% | **2.5%** | **15.0%** | **30.5%** | **16.0%** | **21.5%** | **10.5%** | **4.0%** |

3-расмда ўпка сили аниқланганда ўпка туберкулёзининг клиник шакллари кўрсатилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўпка силининг асосий клиник шакллари ўчоқли - 88 (44%) ва инфилтрацион - 76 (38%) шакллардан иборат. Туберкуломали - 13 (6,5%) ва фиброз-каверноз - 12 (6,0%) ўпка силига чалинган беморлар камроқ учради. Ўпка силининг бошқа клиник шакллари алоҳида ҳолларда камдан-кам учраган.




***3-расм.*** **2015-2020 йилларда амбулатор даволанган беморларда аниқланган ўпка силининг клиник шакллари.**

2015-2020 йилларда даволанган 200 нафар беморлар орасида нафас органлари сили биринчи марта аниқланган беморларнинг сони – 97 (48,5%) нафарни (4-расм), бошқа, аввал даволанган беморларнинг сони 87 (43,5%) нафарни ташкил қилди. Касаллик қайталанган беморларнинг сони 13 (6,5%) нафарни, бошқа силга қарши даволаш муассасаларидан ўтказилган беморларнинг сони – 2 (1,0%) нафарни ташкил қилди, ва бир нафар бемор муваффақиятсиз терапия курсидан кейин даволаниш курсидан ўтаётган эди.




***4-расм.*** **СК ни даволашнинг аввалига тарихига асосланган ҳолда ўпка сили касаллигига чалинганларнинг таснифланиши.**


Эпидемиологик вазиятга ОИТВ билан боғланган сил муаммоси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа, 2015 йилдан 2020 йилгача ушбу гуруҳдаги 13 нафар (6,5%) бемор яшаш шароити ва даволанишга риоя қилиш юқори даражада бўлгани учун биринчи кунданоқ амбулатория шароитида даволанди.

Ўзбекистонда амбулатор даволаш чоралари тобора кўпроқ сил касаллигига чалинган беморларни қамроаб олмоқда. Туман фтизиатрия диспансерлари ва БТСЁ хизматлари тўлиқ кучда ишлаб, ҳам балғам суртмаси манфий бўлганларни, ҳам цитологик таҳлили мусбат бўлган сил касаллигига чалинган беморларни, шунингдек, дориларга нисбатан чидамлилиги бор (СК-ДНЧ) беморларни ҳам қамраб олмоқда.

49 (24,5%) нафар беморда ўпкада деструкция, 46 (23%) нафарида бактерия ажратилиши аниқланган. Бактерия ажратишсиз нафас олиш йўллари сили (балғам суртмаси салбий бўлган) билан касалланган беморлар фақат эпидемик кўрсаткичлар бўйича касалхонага ётқизилади, одатда, улар амбулатор шароитда даволанишни бошлайдилар. Агар давом этаётган даволаниш фонида силга қарши биринчи даражали дориларга сезгир микобактериялар культураси олинган бўлса ва салбий клиник ва радиологик динамика бўлмаса, бемор амбулатор шароитда даволанишни давом эттиради. Агар культура рифампицин ва изониазидга чидамли бўлса, бемор СК-ДНЧ рўйхатга олиш ва даволаш чораларини белгилаш учун шаҳар даволаш консилиумига юборилади. Балғам бактериоскопияси салбий бўлса, даволаниш амбулатория шароитида давом эттирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда барча беморлар СК-ДНЧ нинг тезлаштирилган диагностикасидан фойдаланиш ва дориларга таъсирчанлик даражасини (ДТД) аниқлаш имкониятига эга. Лабораторияларнинг замонавий жиҳозланиши натижасида сил микобактерияларнинг асосий ва заҳирадаги силга қарши препаратларга нисбатан чидамлилигини ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

Биздаги маълумотларга кўра (5-расм), беморларнинг аксарияти – 182 нафари (91%) дориларга таъсирчан силга чалинган, монорезистент ўпка сили 5 нафар (2,5%) беморда аниқланган. Шу билан бирга, СК-ДНЧ мавжуд бўлган 11 (5,5%) нафар ва ЎС-КДНЧ мавжуд бўлган нафар 2 (1,0%) нафар беморлар амбулатор даволанишни бошлаяптилар.





***5-расм.*** **Дориларга чидамлилик асосида ҳолатни аниқлаш.**

Сил муаммосинининг муваффақиятли ечимини белгилайдиган асосий унсур – беморни даволашнинг барча босқичларида назорат қилинадиган кимё терапиясини ташкиллаштиришдир. Силга қарши чораларни 3-сонли фтизиатрия диспансери амалга оширди.

Сил касаллигига нисбатан тиббий ёрдамнинг мавжудлиги ва қулайлиги тамойилини амалга оширишга беморга ташриф буюриши учун энг қулай бўлган (ҳудудий поликлиника ёки силга қарши диспансер) амбулатория [1] негизида назорат остида даволанишни ташкил этиш орқали эришилди.

Дори-дармонларни қаердан олишни беморнинг ўзи танлайди [2]. Амбулатор даволашни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва амал қилаётган 2020 йилга мўлжалланган "Катталардаги нафас олиш йўллари сил касаллигини кузатиш ва даволаш бўйича Миллий клиник протоколи" билан тартибга солинади.

"Катталардаги нафас олиш йўллари сил касаллигини кузатиш ва даволаш бўйича Миллий клиник протоколи"га мувофиқ бемор асосий кимё терапияси курсини тугатиб, силдан тузалган бўлса даволаш муваффақиятли деб ҳисобланади. Хусусан, 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда амбулатор даволанган беморлар орасида муваффақиятли даволаниш 184 нафар (92%) беморда рўйхатга олинган (6-расм).




***6-расм.*** **2015-2020 йилларда даволанган беморларнинг даволаниш натижалари**

Муваффақиятсиз даволаниш (бактериялар ажратилиши тўхтамаган ёки дориларга чидамли микобактериялар пайдо бўлмоқда) 6 нафар (3,0%) беморда кузатилган. Сил касаллигидан 3 (1,5%) нафар бемор вафот этган. Сил касалликлари диспансерининг фаолият доирасидан 7 нафар (3,5%) бемор чиқиб кетган.

**Хулоса:** Катта шаҳардаги ҳаётнинг замонавий шароити ва фтизиатрия хизматида инструментал лаборатория диагностикасининг жадал суръатларда ривожланиши жамиятдан узилмаган ҳолда силни даволашнинг беморларга қаратилган модели учун мезонларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда [8]. Йирик саноат шаҳридаги амбулатор соғлиқни сақлаш ташкилотларини жалб қилган ҳолда сил касаллигини назорат остида даволашни ташкил этиш модели муваффақиятли даволанган беморларнинг улушини ошириши мумкин. Амбулатор даволашнинг самарадорлиги стационар даволашдан кам эмас, у даволаш сифатини йўқотмаган ҳолда тиббиёт ходимларининг бир беморга ажратадиган вақтини қисқартириш имконини беради. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, молиялаштириш тизимида ҳам ислоҳот ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мавжуд вазият нафақат сил касаллигига қарши кураш хизматида, балки қонунчилик ва молиялаштириш тизимида ҳам зарур ислоҳот ва ўзгаришлар учун туртки бўлиши керак, бунинг натижасида ўпка сили билан касалланган беморларни даволашнинг янги, янада оқилона тизими учун пойдевор шакллантирилиши керак.

**Адабиётлар.**

1. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва фтизиатрия хизматининг интеграцияси / Есимов Н.Б. // Қозоғистон Миллий тиббиёт университетининг Хабарномаси. – 2019. – №1. – Б. 546 – 550.

2. Клиник вазиятларнинг моделлари – силга қарши курашиш муассасаларида беморлар контингентини таҳлил қилишга янги услубий ёндашув / Пьянзова Т. В., Джангильдин Ю. Т., Васильева И. А. // Сил ва ўпка касалликлари. – 2022. – Т. 100, № 4. – Б. 41-45.

3. Шаҳар шароитида амбулатор босқичда назорат қилинувчи кимё терапиясининг модели / И. В. Буйневич, Ж. Е. Сверж, Д. Ю. Рузанов, М. Н. Михасёв, Т. А. Коржич, А. С. Ширяев, С. В. Бутько//

Саломатлик ва экология муаммолари. – 2016. – №3(49). – Б. 39–44.

4. Катталардаги нафас олиш йўллари сил касаллигини кузатиш ва даволаш бўйича Миллий клиник протоколи. Тошкент. 2020 й. 87 бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.03.2011 йилдаги 62-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

6. ЎзР Президентининг 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4191 сонли “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014-йил 24-октабрдаги “Ўзбекистон Республикасида силга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 383-сонли буйруғи

8. Россия Федерациясида сил касаллиги 2012/2013/2014 йй. Россия Федерациясида ва дунёда қўлланиладиган статистик кўрсаткичларнинг таҳлилий шарҳи. – М., 2015. – 312 бет

9. Копенгаген: ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси; 2018 (http://www.euro.who.int/en/health-topics/communicable-diseases/tuberculosis/publications/2018/guiding-principles-toreduce-tuberculosis-transmission-in-the-who-european-region-2018).

10. Lovell K, Guthrie E, Afzal C, Blakeley C, Blakemore A, Byford R, Camacho E, Chan T, Chew-Graham C, Davies L, de Lusignan S, Dickens C, Drinkwater J, Dunn G, Hunter C, Joy M, Kapur N, Langer S, Macklin J, Mackway-Jones K, Ntais D, Salmon P, Tomenson B, Watson J., Саутгемптон (Буюк Британия): Лондон: Миллий Соғлиқни сақлаш ва парваришлаш институти, Excellence1NIHR журналлар кутубхонаси; 2017 йил июль ЖССТ. Дори-дармонларга чидамли сил касаллигининг олдини олиш, назорат қилиш ва парвариш қилиш бўйича илғор тажрибалар.

11. Копенгаген: ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси; 2013: 10-2 (http:// www.euro.who.int/_data/assets/pdf_f11e/0020/2l 6650/Best-practices-in-prevention, control-and-care-for-drug-resistant tuberculosis—Eng.pdf).

УДК: 616.98:578.834.1:616.24 - 002.5:616-055.1/.2

**Парпиева Наргиза Нусратовна** – т.ф.д., профессор
**Онгарбайев Даврон Онгарбаевич** – катта ўқитувчи
**Ходжаева Мавлуда Инагамовна** – т.ф.н., доцент
**Массавиров Шерали Шерикваевич** – илмий котиб, катта ўқитувч
**Каюмова Сабина Серверовна** – катта ўқитувчиси
*Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази*
*Тошкент Тиббиёт Академияси*

## COVID-19 ФОНИДА ЎПКА ТУБЕРКУЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ЖИНСГА БОҒЛИҚ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Мақсад:*** *эркаклар ва аёлларда коронавирус инфекцияси (Covid-19) фонида туберкулёз касаллигининг ўзига хос кечишини ўрганиш.*

***Материал ва усуллар:*** *Тадқиқот материаллари РИФ ва ПИАТМ, ТШФ ва ПКШ да 2020 ва 2022 йиллар давомида ўрта ва катта ёшдаги беморларнинг Covid-19 инфекциясини ўтказгандан кейин туберкулез билан касалланганлар, туберкулез билан касалланганидан кейин Covid-19 билан касалланганлар ёки туберкулез билан касалланиб Covid-19 билан касалланганлар танлаб олинди.*

***Натижалар:*** *Туберкулез билан касалланган беморлардан 13 та (8%) эркак ва 9 та (19,6%) аёл Covid-19 инфекцияси ўтказган. Covid ўтказган беморлардан эса 46 та 92% эркак, 37 та 80,4%; аёл ва туберкулез касаллигининг ривожланиши кузатилган.*

***Ҳулоса:*** *Эркакларда аёлларга нисбатан ҳамроҳ касалликларнинг кўплиги деструктив ТБ клиник формаларининг ривожланганлигининг асосий сабаби десак бўлади. Шу билан биргаликда ҳамроҳ касалликларининг бўлиши Covid-19 дан кейинги туберкулезнинг ривожланиши ва юқтириш ҳавфини оширган.*

***Калит сўзлар:*** *туберкулез, Covid-19 пандемияси, Multidrug-Resistant, Extensively Drug-Resistant, фтизиатрия диспансери.*

**Парпиева Наргиза Нусратовна** – д.м.н., профессор
**Онгарбайев Даврон Онгарбаевич** – старший преподаватель
**Ходжаева Мавлуда Инагамовна** – т.ф.н., доцент
**Массавиров Шерали Шерикваевич** – ученый секретарь, старший преподаватель
**Каюмова Сабина Серверовна** – старший преподаватель
*Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии*
*Ташкентская медицинская академия*

## ПОЛОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЗАБОЛЕВАНИЯ ЛЕГОЧНЫМ ТУБЕРКУЛЕЗОМ НА ФОНЕ COVID-19

***Цель:*** *Изучение особенностей течения туберкулеза у мужчин и женщин на фоне коронавирусной инфекции (Covid-19).*

***Материал и методы:*** *В РСНПМЦФ и П, ТГКБФ и П в течение 2020 и 2022 годов отобраны материалы исследования пациентов среднего и пожилого возраста, заразившихся туберкулезом после перенесенной инфекции Covid-19, заразившихся Covid-19 после заражения туберкулезом, или заразившихся Covid-19 после заражения туберкулезом.*

***Результаты:*** *Из больных туберкулезом Covid-19 заразились 13,8% мужчин и 9,19,6% женщин. 46 92% пациентов с Covid — мужчины, 37 80,4%; женщин и развития туберкулеза не наблюдалось.*

***Заключение:*** *Основной причиной развития клинических форм деструктивного туберкулеза является большее количество сопутствующих заболеваний у мужчин по сравнению с женщинами. В то же время наличие сопутствующих заболеваний повышало риск развития и передачи туберкулеза после Covid-19.*

***Ключевые слова:*** *туберкулез, Covid-19 , пандемия, множественная лекарственная устойчивость, широкая лекарственная устойчивость, фтизиатрический диспансер.*

**Parpieva Nargiza Nusratovna** – D.M.Sc., professor
**Ongarbayev Davron Ongarbaevich** – senior lecturer
**Khojaeva Mavluda Inagamovna** – Ph.D., associate professor
**Massavirov Sherali Sherikvaevich** – scientific secretary, senior lecturer
**Kayumova Sabina Serverovna** – senior lecturer
*Republican specialized scientific-practical medical center for phthisiology and pulmonology*
*Tashkent Medical Academy*

## SEX-SPECIFIC CHARACTERISTICS OF PULMONARY TUBERCULOSIS DISEASE IN THE BACKGROUND OF COVID-19

***Aim:*** *Studying the characteristics of the course of tuberculosis in men and women against the background of coronavirus infection (Covid-19).*

***Material and methods:*** *Research materials were selected in RSSPMCP and P, TCCHP and P during the years 2020 and 2022 of middle-aged and elderly patients who became infected with tuberculosis after undergoing Covid-19 infection, who became infected with Covid-19 after being infected with tuberculosis, or who became infected with Covid-19 after being infected with tuberculosis.*

***Results:*** *Of the patients with tuberculosis, 13 8% men and 9 19.6% women were infected with Covid-19. 46 92% of patients with Covid are men, 37 80.4%; women and the development of tuberculosis was observed.*

***Conclusion:*** *The main reason for the development of clinical forms of destructive TB is the greater number of concomitant diseases in men compared to women. At the same time, the presence of concomitant diseases increased the risk of developing and transmitting tuberculosis after Covid-19.*

***Keywords:*** *Tuberculosis, Covid-19 pandemic, Multidrug-Resistant, Extensively Drug-Resistant, Phthisiology dispensary.*

**Кириш.** Дунёда янги коранавирус-Covid-19 инфекцияси натижасида ўлимлар сони сезиларли даражада ошгани туфайли аҳоли орасида ўткир стресс ва депрессив аломатлар кучайди [1,8]. Олиб борилган тадқиқотлар эркакларга нисбатан аёлларда пандемия билан боғлиқ бўлган стресс ва депрессия даражаси юқори лаганини кўрсатди [1,2,10]. Covid-19 пандемияси даврида унинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари, айниқса аёллар ва қизлар учун ҳалокатли бўлганлиги, ҳатто гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари бўйича эришилган ютуқлар бир мунча пасайганлиги ҳақида тадқиқотлар пайдо бўлди [2,3,9]. Баъзи малифларнинг кузатувига кўра Covid -19 инфекциясининг оғир кечиши туфайли реанимация бўлимига ётқизилган ва механик вентиляцияни талаб қиладиган беморларнинг кўпроғини аёллар ташкил этган. Ўлимга дучор бўлган беморларнинг ҳам кўпчилигини (тахминан 1/3 қисмини) аёллар ташкил қилган [3,4]. Covid-19 нинг ўткир босқичида 3 ҳафтадан ортиқ давом этувчи нафас қисилиши, ҳаддан ташқари чарчоқ, тахикардия ва нейроэмоционал бузилиш каби белгилар (“Long-COVID” ёки “Сурункали Covid синдроми” деб аталадиган) кенг кўламда кузатила бошлади. Бу каби синдромлар аёлларда 14,9%, эркакларда 9,5% ҳолларда кузатилган. Шу сабабли аёлларда касалликнинг оғир кечишига олиб келувчи ҳавф омилларини, масалан уларда кўпроқ тарқалган ҳамроҳ касалликлар мавжудлигини ўрганишни талаб қилади [5,6]. Тадқиқотларга кўра, оғир Covid-19 билан касалланган эркакларнинг кўпчилигида лаборатор текширувлари Covid-19 га манфий натижа берган. Аммо аёлларда Covid-19 га текширувлар манфий натижа берсада, касаллик кенг тарқалган бошқа сурункали чарчоққа ўхшаш узоқ муддатли клиник белгилар билан кечиши мумкинлиги (масалан, сурункали чарчоқ синдроми, фибромиялгия) кузатилган [6,7]. Хитойда Covid -19 билан касалланган аёлларда олиб борилган тадқиқотларда, 28% ҳомиладор аёллар: 72% ҳомиладор бўлмаган аёллар ташкил этган. Ҳомиладор аёлларнинг 11% ида иситманинг сезиларли даражада енгилроқ кечганлиги, йўтал 49% ва нафас сиқиши 31% ида. Ҳомиладор бўлмаган аёлларда иситма, йўтал, нафас сиқиши мос равишда 89%, 51%, 31% эканини кўзатилди. Ушбу маълумотлар хитойлик муалифлардан аввалроқ Европа олимларининг COVID-19 билан боғлиқ бўлмаган, бошқа вирусли инфекциялари билан олиб борган тадқиқот натижаларига мос келади [7]. Шу билан биргаликда ҳомиладор бўлмаганлар гуруҳига нисбатан ҳомиладор беморларнинг ёшлигида қўшимча касалликлар билан касалланган бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Аксинча, L.D. Zambrano (2020) томонидан ўрганилган тадқиқотларида 400 000 репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 симптоматикаси бор беморллар орасида интенсив терапия бўлимига ётқизиш, инвазив вентиляция, оксиген терапия ва ўлим, ҳомиладор бўлмаган аёлларга қараганда ҳомиладор аёлларда кўпроқ кузатилган [8].

Адабиётларда қўйилган масалаларнинг турлича ёритилганлиги тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилаб берди ва бу иш учун асос бўлди. Олдимизда қўйилган тадқиқотларни ба-

жариш орқали туберкулёз касаллигини эпидемиологик назорат қилишнинг мавжуд тизимининг самарадорлигини оптималлаштиради.

**Тадкикот максади** Янги коронавирус инфекцияси (Covid-19) пандемияси даврида туберкулёз касаллигининг эркаклар ва аёлларда ўзига хос, кечишини ўрганиш.


**Материал ва усуллар:** Тадқиқот материаллари 2020 ва 2022 йиллар давомида катта ёшдаги беморларнинг Covid-19 инфекциясини ўтказгандан кейин туберкулез билан касалланганлар ёки туберкулез билан касалланганидан кейин Covid-19 билан касалланганлар танлаб олинди. Маълумотлар Республика ихтисослашган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказидан, Тошкент шаҳар фтизиатрия ва пульмонология клиник шифохонаси ва туманлар аро фтизиатрия диспансерларидан олинди. Бунда, ЎзРССВ нинг 31.12.20. йил № 363 буйруғи билан тасдиқланган № 027 - ракамли тиббий хужжат-стационар беморининг тиббий картаси, ЎзРССВ нинг 17.01.22. йил № 16 сонли буйруғи билан тасдиқланган 025 - ракамли тиббий хужжат-амбулатор тиббий картасидан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

**Натижалар:** 2020-2022 йиллар оралиғида юқорида таъкидланган туберкулезга қарши кураш муассасаларига мурожаат қилганларнинг ичида Covid-19 билан ёндошган ТБ беморлари 96 тани ташкил этди. Улар 2 та гуруҳга ажратилиб ўрганилди. 1 гуруҳни 50 та 52,1% эркак ташкил этган бўлса, 2 гуруҳни 46 та 47,9% аёл ташкил этди. Беморларни текширувида анамнез маълумотлари, физик текширув, мураккаб лаборатор, рентгенологик ҳамда касаллик жараёнининг кечиш хусусиятларига боғлиқ равишда кенг қамровли текширув натижаларига катта аҳамият берилди.

Беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда уларнинг тана вазн индекси (ТВИ) си ҳисобланди. 1-диаграммада.

***1-диаграммада***

**ТВИ ёшига ва жинсига боғлиқ ўзгаришлар***




*ИЗОҲ*

** Кг бўйича эркакларда меъёрдан кам вазн <20 кг.*

** Вазн бўйича аёлларда меъёрдан кам вазн <19 кг.*

** Бу жадвалда семизлик 1-2-3-даражалари кўрсатилмаган.*

1-диаграммада кўриниб турганидек 1 гуруҳда 18-55 гача ёшидаги эркаклар 30 тани 60% ташкил этди ва қолган 20 таси 40% 55 ёшдан юқори эркакларга тўғри келди. ТВИ бўйича кам вазн 27 та 54%, нормал вазн 16 та 32%, ортиқча вазн 7 та 14% ташкил қилди.


2 гуруҳда 18-45 ёшдаги аёллар 22 тани 47,8 ташкил этди ва қолган 24 та 52,1% 45 ёшдан юқори аёлларга тўғри келди. ТВИ бўйича кам вазн 22 та 47,8%, нормал вазн 16 та 34,8%, ортиқча вазн 8 тани 17,4% ташкил этди.

Туберкулез билан касалланган беморлардан 13 та 8% эркак ва 9 та 19,6% аёл Covid-19 инфекцияси ўтказган. Covid ўтказган беморлардан эса 46 та 92% эркак, 37 та 80,4%; аёл ва туберкулез касаллигининг ривожланиши кузатилган. Беморлар ягона режа асосида текширилганда ТБ нинг турли клиник формалари аниқланди. Туберкулез диагнози комплекс текширув маълумотлари, лаборатор ва инструментал тадқиқотлар натижаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш

асосида қўйилди. Туберкулезнинг клиник формалари 2-жадвалда келтирилган.

**Covid 19 ва туберкулез коинфекциясида туберкулезнинг клиник шакллари**

***2- диаграммада***




***Изоҳ:*** **Қабул-бўлимида йўлланмадаги ташҳис. **Клиник-ассосланган клиник ташхис.*

Жадвалда кўриб турганимиздек йўлланмадаги ва клиник диагнозлар қисман фарқланди. Бу ҳолат ТБ беморларини аниқлаш ва даволаш УАШ ва ТБ га қарши кураш хизматларини интерпретациялашган ҳолда олиб борилаётганидан далолат деб тақмин қилиш мумкин.

1 гуруҳда (эркакларда) инфилтратив 17 та 34%;, ўчоқли 15 та 30%;, туберкулома, ФКТ 4 тадан 8%, тарқалган, генераллашган 3 тадан 6% ва КИЛТТ, КТ, ТП, казеоз пневмония 1 тадан 2% ушради.


2 гуруҳда (аёлларда) инфилтратив 20 та 43,4%, ўчоқли 10 та 21,7%, кавернали 4 та 8,7% тарқалган, ФКТ, туберкулома 3 та 6,5%, КИЛТТ, цирротик, генераллашган - 1тадан 2,17%.

Ўз навбатида туберкулезнинг тарқалган ва оғир шаклларининг кўплиги аёлларнинг тиббий кўрикларга турли сабаблар туфайли кеч мурожаат қилганидан дарак беради.

ТБ беморларида бактерия ажратув ҳусусиятини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки бактерия ажратувчи ўпка туберкулези беморлари эпидемиологик жихатдан кўпроқ хавфли. Битта шундай бемор сутка давомида балғами билан миллиарддан ортиқ туберкулез микобактериясини (ТМБ) ажратиши мумкин. Кам бактерия ажратувчиларда, атроф-муҳитни зарарлаш ҳавфи бир мунча кам. Туберкулез билан зарарланиш бактерия ажратадиган беморлардан атрофдаги (контактдагилар) учун юқиш эҳтимоллиги юқорилигини инобатга олиб ТМБ ажратиши ўрганилди.

**Covid 19 беморларида нафас аъзолари туберкулёзининг ТМБ ажратиш ҳусусияти.**

***2- диаграммада***





Эркакларда ТМБ ажратувчилар (БК+) 11 та 22%, ажратмайдиганлар (БК-) 13 та 26% тани ташкил этди. ТБ нинг дориларга сезгирлик 24 та 48%ҳолатда, дориларига турғун бўлган формалар-MDR 24 та 48%, XDR 2 тани 4% ташкил қилди.

Аёлларда ТМБ ажратувчилар (БК+) 18 та 39,1%, ажратмайдиганлар (БК-) 9 тани 19,6% ташкил этди. Дориларга сезгир 27 58,7% ҳолатда, дориларига турғун бўлган формалар-MDR 15 та 32,6%, XDR 4 тани 8,7% ташкил қилди.

ТБни даволашда мухим жихатлардан бири ҳамроҳ касалликларнинг ёндошиб келиши. Чунки ТБ беморларини даволаш кўп жихатдан ТБга қарши дориларнинг ножўя таъсири билан боғлиқ.

**Ҳамроҳ касалликлар**




Эркаклар орасида ҳамроҳ касаллик 12 кишида 24% кузатилмади. 5 кишида гепатит 10%, ОИВ- 7 кишида 14%, ҚД-10 кишида 20%, ЮИК 2 кишида 4%, 2 тадан 4,7%, ошқозон ва 12 бармоқ ишак яра касалликлари, ХОБЛ, 3 тадан 6%, БА, ветилиго, албинизм, пиелонефрит 1 тадан 2% аниқланди.

Аёлларда ҳамроҳ касаллик 10 та 21,7% кишида аниқланмади. Қандли диабет, пневмония – 8 та 17,4% кишида, ЮИК – 4 та 8,7% кишида, ошқозон ва 12 бармоқ ишак яра касалликлари, гепатит, ОИВ, пиелонефрит - 3 тадан 6,5% кишида, анеммия- 2 тадан 4,3% кишида, ва онкология, ЎЮЕ - 1 2,17% кишида аниқланди. Аёлларда қандли диабет, ОИВ, гепатит, анемия, онкология, пиелонефрит, пневмония каби касалликларининг учрагани иммун тизимининг сустлигидан далолат бериб, деструктив ўпка туберкулези ри-

вожланишига олиб келувчи омил сифатида қаралди. Иккала гуруҳда ҳам икки ва ундан ортиқ ҳамроҳ касалликларнинг қўшилиб келган ҳолатлар 67 та 69,8% беморда учради.

**Хулоса:** Хозирги пайтда Covid-19 туфайли ТБга ёндошган касалликлар сони ортиб бормоқда. Бундан ташқари MDR-ТВ, ОИВ инфекцияси сони ошиб бориши махсус тиббий ёрдамга мухтож бўлган (ёндашиб келган касалликларга чалинган) беморларнинг кўпайганлиги долзарб муаммо бўлмоқда.

Шу билан биргаликда, ҳомиладорлик билан боғлиқ табиий иммунитет танқислиги ривожланиши туфайли Covid-19 инфекциясининг пайдо бўлиши ёки сурункали инфекцияларнинг фаоллашиши учун хавф гуруҳи - (ҳомиладор аёллар, туғиш ёшидаги аёллар) шахслар тоифаси мавжуд.

Ушбу тенденциялар комплекс тиббий ёрдамга мухтож бўлган беморларнинг махсус гурухларини шакиллантиришга олиб келади.

Ўпка туберкулёзи билан ёндашилган касалликларни даволаш асосий ва бирга келадиган касалликларни комплекс ёндашувга асосланган бўлиши керак.

Даволаш, диагностика, реабилитация ва профилактика чоралари режасини ишлаб чиқишда ихтисослаштирилган тиббий марказларда касалликнинг кечиши, унинг шакили, босқичи ва даволаш курсини хисобга олиниши керак. F. Mauvais-Jarvis (2020) тадқиқотлари тана вазнининг камлиги туберкулёз касаллиги учун хавф омили сифатида тахмин қилган, семизликнинг 2 ва 3 даражаси туберкулёз касаллигига олиб келиши хавфини пасайтиришини таъкидланган. Бизнинг тадқиқотларимиз юқоридаги муалифнинг хулосаларини тасдиқлади. ТБ нинг клиник формалари ичида ТБнинг деструктив формаларида фтизио-хирург томонидан консультация қилиш мутлақ кўрсатма деб ҳисоблаймиз. Аёлларда эркакларга нисбатан бактерия ажратув (ТМБ+) юқорилиги ТБнинг деструктив формаларининг кўплиги билан боғлиқ бўлган. Мутацияга учраган ТМБ нинг MDR формаси аёлларда топилмаганлиги қувонарли ҳолат бўлсада, XDR ТБ формаси икки беморда аниқланганлиги, касалликни вақтида аниқланмай адекват специфик антибактериал даво қўлланилмаганлиги сабабли келиб чиққан деб ҳисоблаймиз.

Аёлларда эркакларга нисбатан ҳамроҳ касалликларнинг кўплигидан уларда иммун тизимининг пасайганлиги туфайли деструктив ТБ клиник формаларининг ривожланганлигининг асосий сабаби десак бўлади. Шу билан биргаликда ҳамроҳ касалликларининг ёндошиб келиши Covid-19 дан кейинги туберкулезнинг ривожланиш ҳавфини оширган. Ўз навбатида Covid-19 нинг асоратлари антибиотикларга нисбатан резистент бўлган ТМБнинг суперинфекцияси туфайли ривожланишини ошириш эҳтимолини юқорилатувчи омилдир. Бундан ташқари ҳамроҳ касалликлари бор, кам вазнли одамлар ҳам шу ҳавф гуруҳига кириши мумкин.

**Адабиётлар.**

1.E.A. Holman, R.R. Thompson, D.R. Garfin, R.C. Silver The unfolding COVID-19 pandemic: A probability-based, nationally representative study of mental health in the United States. *Sci Adv*., 6 (2020), 10.1126/sciadv.abd5390.

2. F. Mauvais-Jarvis, S.L. Klein, E.R. Levin. Estradiol, progesterone, immunomodulation, and COVID-19 outcomes Endocrinology (Philadelphia), 161 (9) (2020), p. 1, 10.1210 / endocr / bqaa127 https://doi.org.

3. M. Alwani, A Yassin, R. Al-Zoubi, O. Aboumarzsouk, J. Nettleship, D. Kelly, A. Al-Qudimat, R. Sabsign. Sex-based differences in severity and mortality in COVID-19. Reviews in Medical Virology, 31 (6) (2021), p. e2223-n / a, 10.1002 / 4mv.2223.

4. P.A. Spagnolo, J.E. Manson, H. Joffe. Sex and gender differences in health: what the COVID-19 Pandemic can teach us Annals of Internal Medicine, 173 (5) (2020), pp. 385-386.

5. H. Liu, F. Liu, J. Li, T. Zhang, D. Wang, W. Lan. Clinical and CT imaging features of the COVID-19 pneumonia: focus on pregnant women and children, Journal of Infection, 80 (2020), pp. e7-e13, 10.1016 / j.jinf.2020.03.007, Accessed 1/22/21.

6. L.D. Zambrano, S. Ellington, P. Strid, et al. CDC COVID-19 response pregnancy and infant linked outcomes team Update: Characteristics of symptomatic women of reproductive age with laboratory-confirmed sARS-CoV-2 infection by pregnancy status — United States, January 22-October 3, 2020. MMWRL Morbidity & Mortality Weekly Report, 69 (44) (2020), pp. 1641-1647.

**7.** Абдугаппаров Ф. Б. и др. The results of clinical and laboratory studies in patients with disseminated pulmonary tuberculosis : дис. – Toshkent, 2023.

8. Онгарбайев Д. О., Ходжаева М. И., Каюмова С. С. Особенности развития и течения туберкулеза у женщин и мужчин в условиях пандемии COVID-19 //WORLD OF SCIENCE. – 2023. – С. 250-253.

9. Онгарбайев Д. О. и др. Covid-19 билан огриган беморларда туберкулезни ташхислаш самарадорлиги. – 2022.

10. Парпиева Н. Н. и др. Коранавирус инфекцияси ва вирусли зотилжам қушилиб келиши : дис. – Andijon, 2022.

**Атаниязова Раушан Аминовна** – д.м.н.
**Бозаров Лазизжон Аъзамжонович** – базовый докторант
*Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профзаболеваний*

## АНАЛИЗ ДИНАМИКИ ЧИСЛЕННОСТИ И ОБЩЕЙ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА ТАШКЕНТА ЗА 5 ЛЕТ (2017-2021 ГОДЫ)

***Аннотация.*** *Целью исследования явилось определение изменений в динамике численности и общей заболеваемости населения г.Ташкента за пятилетний период (2017-2021 годы).*

*Для проведения анализа численности и общей заболеваемости населения были использованы официальные статистические данные Министерства здравоохранения и материалов Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан за период 2017-2021 годы. Заболеваемость была ранжирована по классам болезней согласно МКБ-10 и проанализирована на 100 тыс. населения. Расчеты и графический анализ проводили с использованием программы Microsoft Excel.*

*Результаты проведенного анализа позволили установить, что в период с 2017 по 2021 годы среднегодовая численность населения города Ташкента увеличилась на 11,1% и свидетельствует о значительном приросте населения. Общая заболеваемость населения г.Ташкента за последний 5-летний период (2017-2021 годы) снизилась на -37,7%. Первые ранговые места из 19 зарегистрированных классов болезней занимали болезни органов дыхания (29,4%), пищеварения (18,8%), болезни крови и кроветворных органов (8,1%), системы кровообращения (6,8%) и болезни эндокринной системы (5,7%), удельный вес которых составил более 68,8% в общей структуре заболеваемости населения.*

***Ключевые слова:*** *численность населения, динамика и структура заболеваемости, ретроспективный анализ, темпы прироста.*

**Ataniyazova Raushan Aminovna** – t.f.d.
**Bozarov Lazizjon Azamjonovich** – tayanch doktorant
*Sanitariya, gigiena va kasb kasalliklari ilmiy-tadqiqot instituti*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 5 ЙИЛ ДАВОМИДА (2017-2021) АҲОЛИ СОНИ ВА УМУМИЙ КАСАЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

***Аннотация.*** *Тадқиқотнинг мақсади беш йиллик (2017-2021 йиллар) давомида Тошкент шаҳри аҳолиси сони ва умумий касалланиш динамикасидаги ўзгаришларни аниқлашдан иборат бўлди.*

*Аҳоли сони ва умумий касалланиш даражасини таҳлил қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий статистикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган материалларидан фойдаланилган. Касалланиш кўрсаткичи Халқаро Касалликлар Таснифи - ХКТ-10 касаллик синфлари бўйича тартибланган ва ҳар 100 минг аҳолига нисбатан таҳлил қилинган. Ҳисоб-китоблар ва график таҳлиллар Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилди.*

*Таҳлил натижалари 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳри аҳолисининг ўртача йиллик сони 11,1% ошганини аниқлаш имконини берди ва бу аҳоли сонининг сезиларли даражада ошганидан далолат берган. Тошкент шаҳри аҳолисининг умумий касалланиш даражаси 5 йил давомида (2017-2021-йиллар) -37,7% камайди. Рўйхатга олинган 19 та касаллик синфлари ичида биринчи ўринларни нафас органлари тизими (29,4%), овқат ҳазм қилиш органлари тизими (18,8%), қон ва қон яратувчи органлар касалликлари (8,1%), қон айланиш тизими (6,8%) ва эндокрин тизими касалликлар (5,7%) эгаллаган, уларнинг улуши аҳоли касалланишининг умумий таркибида 68,8% дан ортиқни ташкил этди.*

***Калит сўзлар:*** *аҳоли сони, касалланиш динамикаси ва тузилиши, ретроспектив таҳлили, ўсиш тезлиги.*

**Ataniyazova Raushan Aminovna** – D.M.Sc.
**Bozarov Lazizjon Azamzhonovich** – basic doctoral student
*Research Institute of Sanitation, Hygiene and Occupational Diseases*

## ANALYSIS OF THE DYNAMICS OF THE NUMBER AND GENERAL MORBIDITY OF THE POPULATION OF TASHKENT FOR 5 YEARS (2017-2021)

***Abstract.*** *The purpose of the study was to determine the changes in the dynamics of the number and general morbidity of the population of Tashkent city for a five-year period (2017-2021).*

*Official statistical data of the Ministry of Health and materials of the Statistics Agency under the President of the Republic of Uzbekistan for the period 2017-2021 were used to analyse the number and general morbidity of the population. Morbidity was ranked by classes of diseases according to ICD-10 and analysed per 100 thousand population. Calculations and graphical analysis were carried out using Microsoft Excel programme.*

*The results of the analysis allowed to establish that in the period from 2017 to 2021, the average annual population of Tashkent city increased by 11.1% and indicates a significant increase in population. The total morbidity of the population of Tashkent city for the last 5-year period (2017-2021) decreased by -37.7%. The first rank places out of 19 registered classes of diseases were occupied by diseases of respiratory organs (29.4%), digestion (18.8%), diseases of blood and hematopoietic organs (8.1%), circulatory system (6.8%) and diseases of endocrine system (5.7%), the specific weight of which was more than 68.8% in the total structure of morbidity of the population.*

***Key words:*** *population number, dynamics and structure of morbidity, retrospective analysis, growth rate.*

**Актуальность.** В современном мире, где урбанизация и рост населения становятся неотъемлемой частью социально-экономического развития, изучение динамики численности и заболеваемости населения городов приобретает особую актуальность [1, 5, 6]. В большинстве стран мира существует устойчивая тенденция к урбанизации, которая является естественным следствием и стимулом экономического развития, проходящего стадии индустриализации и постиндустриализации. Поэтому уровень урбанизации, измеряемый процентным отношением городского населения к общей численности населения страны, особенно высок в развитых странах и гораздо ниже в странах с низким доходом на душу населения [6].

Следует также учитывать, что городские центры, в качестве крупнейших социально-экономических узлов, играют важную роль в формировании общего облика страны и определяют её потенциал для будущего развития [3, 6].

Независимо от происходящих в обществе изменений основным показателем благополучия любой страны является состояние здоровья ее жителей. Известно, что за последние годы наблюдается ухудшение медико-демографических показателей и рост заболеваемости населения. Одна из причин такой тенденции — экологическая напряженность в ряде регионов, особенно в промышленных городах. Достаточно отметить, что здоровье населения на 20-40% зависит от экологических условий и условий проживания [4]. В современном мире проблемы экологии человека, профилактика заболеваемости, охраны и укрепления здоровья населения, оздоровления окружающей среды приобретают особую актуальность.

В данном контексте, анализ демографических показателей и показателей здоровья населения городов становится ключевым инструментом для оценки тенденций в социально-демографической сфере и выработки стратегических решений в области урбанизации [2, 4, 7].

**Целью исследования** явилось изучение динамики численности населения и общей заболеваемости населения г. Ташкента за период 2017-2021 годы.

**Материалы и методы.**

Проведен анализ численности населения и общей заболеваемости населения г. Ташкента были с использованием официальных статистических данных министерства здравоохранения и материалов Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан за период 2017-2021 годы. Заболеваемость была ранжирована по классам болезней согласно МКБ-10 и проанализирована на 100 тыс. населения. Расчеты и графический анализ проводили с использованием программы Microsoft Excel.

**Результаты и обсуждение.**

Результаты анализа позволили установить, что за период 2017–2021 годы среднегодовая численность населения города Ташкента имела положительную динамику. Так, в 2021 году общая численность населения Ташкента составила 2694378 человек, что на 270232 человека больше по сравнению с данными 2017 года. Это означает, что в период с 2017 по 2021 годы, среднегодовая численность населения города увеличилась на 11,1% и свидетельствует о значительном приросте населения. Такие динамические изменения в численности населения являются ключевым элементом для формирования будущих перспектив развития столичного региона.

Наряду с анализом демографических показателей, также проведен ретроспективный анализ уровня общей заболеваемости населения г.Ташкента. Результаты анализа данных на 2017-2021 годы показал, что уровень общей заболеваемости в 2017 году составил 174050,0 случаев на 100 тыс. населения, и вплоть до 2020 года наблюдалась стабильная тенденция постепенного снижения этого показателя (рис.1).





***Рис. 1.*** **Динамика общей заболеваемости населения г. Ташкента за 2017-2021 годы, на 100 тыс. населения**

